

РЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 76 (2340)

1991 ЙИЛ 25 ИЮНЬ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

## СУВ БЕРГАН

### ҚАШШОҚ БЎЛДИ

Сув берган бой бўлур, дейлади. Йиллар силсиласидан ўтган ҳикматга амал қилган 45 ёшли уй бекаси А. Аҳмедова кейин аттанг чекди. Самарқанд туманида яшовчи бу аёл қултум сувга зор кишиларни уйига киритди. Уч нотаниш эркак эса тузлиққа тупуриб, уни ўк отиб яралашди. Кейин 5 минг сўмлик давлат заёми, 4 минг сўмлик қимматбаҳо қоғоз ва кийим-кечакларни олиб кетишди.

## ТУШДАГИ

### ВИДЕОМАГНИТОФОН

Фирибгарлик санъатига таҳсин ўқимай илож йўқ. Не-не шайтонга дарс берадиганлар ҳам унинг макри олдида ип эшолмай қолади. Шунинг учун Термиз шаҳридаги умумий овқатланиш корхонасининг оддий ошпазини чув туширишдан ҳам осони йўқ экан. «Марат» исмли йигит 36 ёшли Д. Рўзиевнинг тушларига кириб чиқётган видеомагнитофонни топиб бериш қийинчилигини бўйнига олди. «Марат» ваъда айлаган матоҳ қўлидалигини тасаввур қилган ошпаз ширин орзулар оғушида ёнидан 8 минг сўмни чиқариб, фирибгарга тутқазганини ҳам унутди. Икки-уч кун ўтгач, кўзи очилди. Чунки «Марат» дом-дараксиз ғойиб бўлганди. Табиийки, пул ҳам сомонга тушган игнадек.

Ф. ТЕМИРОВ.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими ходимлари турли хил ҳуқуқбузарликлар билан курашни кучайтирмоқдалар. Шу мақсадда кенг жамоатчилик кўмагида қатор тадбирларни ўтказиш мунтазам тус олди. Туман ИИБ ходимлари навбатдаги тадбирларнинг бирида Яккабоғ шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Б. хонадонига ташриф буюришди. Уйғонган гумон бежиз эмас экан. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи милиция



капитани Норбобо Аҳмедов, участка вакили Тоҳир Эргашев, рота командири милиция капитани Нажим Турдиевлар сохта спиртли

ичимликлар тайёрлайдиган ускуналарни аниқлашди. У бошқа бир фуқарога тегишли бўлиб чиқди. СУРАТЛАРДА: қўлга



туширилган ашёвий далиллар; ВХСС катта опервакили милиция капитани Шаймон Қурбонов ва Норбобо Аҳмедов (ўнгда) қолқоқ ёпа-

диган ускунани кўздан кечиришмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

Касблар ҳақида гап кетганда, унинг инсон асабларига, миясига таъсири тўғрисида фикрлар айтилади. Масалан, кочилар, журналистлар, милиция ходимлари мия, юрак-қон касалликларига мубтало бўлишаркан. Ваъзилар журналистларнинг меҳнат кунни қатъий белгиламаган, кези келганда, кечасио кундузи ишлашди, дейишади. Милиция ходимлари-чи? Айтайлик, бирор қишлоқда, шаҳар ёки туманда жиноят содир этилди. Хабар етиб бориши билан милиция ходими у ерга отланади. Байрам кунлари-ю, дам олиш соатларида ҳам доимо постда туради. Тўғри бу иши учун у ҳақ олади. Кейинги пайтларда бир қатор гам-хўрликлар ҳам қилинган. Лекин, очирини айтганда, бугун милиция ходимининг ўзи ёрдамга муҳтож. Мен қаламга олмақчи бўлган мавзу ана шу ҳақда. Шу йилнинг 6 мартда ССЖИнинг «Совет милицияси ҳақидаги» Қонуни қабул қилинди. Унда милиция ходимларининг бурчлари, ҳуқуқлари, ССЖИ фуқароларининг милицияга яқиндан ёрдам беришлари, фирқа, шўро идоралари, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ички ишлар бўлинмалари хо-

## Иш меъёри белгиланмаган

димлари ижтимоий ҳимоя қилинишида ҳисса қўшишлари кераклиги таъкидланган. Демак, Қонунни бажариш фақат милиция ходимларигагина эмас, балки ҳаммага катта масъулият юклайди. Шу вақтгача милиция ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шоланинг ичиде курмаги ҳам бўлганидек, ҳамма милиция ходимига нисбатан салбий баҳо бериш тўғри эмас. Чунки улар орасида ўз касбига меҳр қўйган, халқ ишончини қозонган ходимлар жуда кўп. Демакчимаки, бирининг касри мингга уриб, ҳаммани ёмон отлашқа чиқариш ярамайди. Турли тартиббузарлик, жиноятчиликнинг олдини олишда бутун оғирлик милиция зиммасида эканлигини унутмайлик. Бадний фильмларда, телекўрсатувларда милиция ходимларининг уюшган жиноятчилик, қонунбузарликларга қарши олиб бораётган курашларини мириқиб томоша қиламиз. Уларнинг игна билан қудуқ қазиган ишларига қойил қоламиз. Мабодо осо-

йишталик посбонлари жиноятчилар қўлидан жабр тортса, унга ҳамдардлик билдирамиз. Ҳаётдачи? Ҳаётда кўпинча бунинг акси. Турғунлик даврида қарор топган турли тавсиялар, кўрсатмалар, буйруқлар, низомлар, тушунтиришлар ва бошқа хил буйруқбозлик-расмиятчилик кўринишлари милиция ходимини анча қийин ахволга солиб қўйган. Дўппи ол деса, калла оладиганларнинг эса сафимизга кириб қолиши халқнинг бизга муносабатини анча ўзгартириб юборган эди. «Совет милицияси тўғрисида»ги Қонун ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ходимлари фаолиятини шу кун талаблари даражасида амалга оширишда қатор устунликлар берди. Ҳозир биз ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қийин даврни бошдан кечиряпмиз. Уюшган жиноятчилик авжга чиққан. Халқ осойишталигига раҳна солаётганларга қарши курашда қонун хизматчиларининг қўли калталик қилмоқда. У қонун ҳимоячиси экан, демак унинг ҳар

қандай бузилишига қарши аёвсиз кураш олиб бориши даржор. Бундай ҳатти-ҳаракат жамоат тартибини бузувчи ва жиноятчиларга сира ёқмайди. Шунинг учун иложи борича милиционерга ўз таъсирини ўтказмоқчи, ҳатто уни қўриқмоқчи бўлади. Қонуний талабларга бўйсунмай, куч ишлатишга ҳам ҳаракат қилишади. Шу йилнинг март, апрель, май ойларида шахримиз фуқаролари Маҳмуд Мадалиев, Ҳасанбой Қамбаров, Уктам Турсунов, Абдулла Нуриддинов, Тошпўлат Рўзиев, Соҳиб Ҳакимов, Бўз туманилик Сергей Сорокин сингари шахслар «ЎзССЖ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги мажмуасининг 180, 187-моддалари талабларини бузиб, милиция ходимларига нисбатан қўпол муносабатда бўлганлар. Бу тартиббузарларга 50 сўмдан 300 сўмгача жарима солинган. Ачирарлиси, уларнинг бари 30 ёшгача бўлган йигитлардир. Зафар Йўлдошев, Раҳмонали Умаров, Муҳтор Мўйдинов, Тоҳир Мамажонов сингари «шоввозлар» ходим-

ларимизнинг тартибга чақирилларига қарамай безорлик қилганлар ва халқ суди ҳукми билан 10-15 кунга «дам олишга» жўнатишган. Бу мисолларни шунинг учун келтиряпманки, жазога тортилганларнинг ҳамтовоқлари, тарафкашлари бор. Улар милиция ходимларига қандайдир тазийқ ўтказишга интилиши мумкин. Айнан шу пайтда милиция ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Қўмакни эса у халқдан олиши керак. Бу борада халқ билан яқиндан мулоқот қилиш усулларини қўллашимиз лозим. Биз халққа «Совет милицияси тўғрисида»ги Қонуннинг ҳар бир бандини ишдан игнасигача тушунтиришимиз зарур. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда милиция ходимининг ташвиши янада ортган. Энди у аввалгидан ўн чандон яхшироқ, қатъийроқ ишлаши лозим. Қонунбузарликнинг турлари эса кўпайиб бормоқда. Бизнинг вазифамиз унга йўл қўймашлик. Агар милиционер ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланар экан, юқоридаги каби иллатларга қарши курашни осонлашади. С. ЖАЛИЛОВ, Москва тумани ИИБ бошлиғи.

Бола тарбияси—умумхалқ иши

# «ЎСМИР ВА ҚОНУН» КЛУБИ ИШ БОШЛАДИ

Матбуотда тез-тез ёшлар, вояга етмаганлар орасидаги жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳақида гапирилмоқда. Паркент тумани халқ судининг раиси Анвар Абдуқодиров билан суҳбат эса ушбу ҳудудда унинг камайганлиги ва бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида.

— Анвар ака, кейинги йилларда туманда вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг анча камайганлиги кузатилмоқда. Сабаблари нимада?

— Биз биринчи навбатда ўсмирларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга интилдик. Чунки ҳуқуқий билимли шахс жиноятчиликнинг таъсирига берилмайди. Ўз ақл-идроки билан тўғри йўлни танлашга тиришади. Шу мақсадда туманда «Ўсмир ва қонун» клубини очдик. Унда суд, прокуратура, ички ишлар идоралари вакиллари ҳунар-техника билим юртлари ва мактаблар ўқувчилари билан турли ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар, кечалар, «давра столи» ўтказадилар.

Бу учрашувлар шунинг кўрсатадики аҳоли ўртасида ҳам ҳуқуқий билимларни ёйиш керак экан. Ахир, кўпчилик ўзларининг ноҳўя ҳаракатларини судгача бориб етмайдиган иш, деб қарашади.

Ҳозир Паркент тумани ИИБда 36 нафар ўсмир милиция ҳисобига олинган. Уларнинг тарбиясидаги камчилик оила, мактаб ҳамда меҳнат жамоалари йўл қўйган хатолар билан изоҳланади.

Шу мақсадда биз мактаблардаги «Совет давлати ва ҳуқуқ асослари» ўқув дастурлари бўйича очиқ дарслар ўтказишга қарор қилдик. Туман фирқа ва ижроқўмлари тасдиғидан ўтган дарсларда суд, тергов тажрибасидан мисоллар келтирилади. У тезда ижобий натижалар бера бошлади. Чунки мисоллар туман ўсмирлари — улар ўзлари танийдиган ёшлар ҳаётидан олинган эди.

Масалан, 1989 йилнинг 9 декабрида Паркент шаҳридаги Бодомтепа маҳалласида бўлган тўйда вояга етмаганлар ҳам қатнашишди. Тўйдан қайтиш чоғида 10-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Р. Маҳаматов билан 8-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ғ. Турсунқуловлар

жанжаллашиб қолишди. Мактабдошлари эса муштлашувни томоша қиладилар. Бир пайт Равшан ёнидан пичоқ чиқариб, Ғофирга бир неча тан жароҳати етказди.

1990 йилнинг июлида 1975 йилда туғилган С. Шодиев «Ленинобод» жамоа хўжалиги чўпони Д. Назаровнинг илтимосига кўра унга тоғдаги қўйларни ҳайдаб келишга ёрдам беради. Дам олишаётганида Д. Назаров чайладаги ов милтиғига ўқ жойлаб, бир марта отади. Яна ўқлаб, Саидвалига узатаётганида беҳосдан телки босилиб кетди. Д. Назаров шу ернинг ўзидаёқ ҳаётдан кўз юмади.

Еки яна бир мисол. 7 мактабнинг 9-синфида «Оила ҳуқуқи» мавзусида дарс ўтилди. Ўқитувчи А. Жабборов «Совет оиласи ҳуқуқининг асосий вазифалари» ҳақида гапирар экан, ҳозирги кундаги никоҳларни Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги мисоллар билан таққослади.

Аввал келишилгандек, дарсни мен давом эттирдим. Бизда никоҳ ихтиёрийлиги, никоҳ қайд қилинмаса, у давлат томонидан тан олинмаслиги ҳақида сўзладим. Яқинда туман халқ судига 55 ёшли аёл мол-мулкни ўз номига ўтказиш бўйича мурожаат қилганини, аммо унинг илтимоси ЗАГС гувоҳномаси бўлмаганлиги сабабли қондирилмаганини айтдим. Сўнгра прокурор ва ИИБ ходими дарсни давом эттирди.

Юқоридаги мисоллар асосида ўтказилган дарслардан ўқувчилар ўзлари учун зарур хулосалар чиқариб олишганига аминмиз.

Уларнинг суҳбатидан Паркент тумани ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилаётган бу тажрибани вилоятимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам ёйиш керак, деган хулосага келдим.

**Мирқарим МИРСОВУРОВ,**  
ички хизмат майори.



Улар меҳмондорчиликка кетишса, борадиган жойларининг манзилгоҳини қолдиришади. Туллари ҳам сергак ётишади. Чунки исталган дақиқада чорлаб қолишлари мумкин. Ахир, ҳали орамизда қизлар номусига чанг солаётган маҳлуқлар, туққан онасига пичоқ ураётган муртадлар, жанжални пулга сотиб оладиган худо безорилар бор экан, бу йнгитлар ором нималигини билишмайди.

Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимида касбига бениҳоя содиқ, эл ғамида на кечани, на кундузни биладиган йнгитлар хизмат қилишади. Биз шунинг учун алоҳида исми-шарифларни келтириб ўтишни лозим топмадик. Бизнингча, ҳаммаси таҳсинга лойиқ.

Мана улар фаоллигида биргина мисол. Кейинги пайтда радиомолларига ўғирлик йўли билан эга бўлиш ишқибозлари ортгани кузатилди. Усталлик билан йўлга қўйилган қидирув чирчиқлик Н. Прокофьев ва А. Виноградовларга олиб келди.

**СУРАТДА:** ўғирлик буюмлар; изқуварлар йўлга тушдилар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сураатлар.

Милиция капитанлари Жумабой Мингулиев (чапда) ва Ботир Жумабоевлар Хонқа тумани ички ишлар бўлимида катта участка инспектори вазифасида ишлашади. Б. Жумабоевга Охунбоев номли жамоа хўжалиги, Ж. Мингулиевга эса Навоий номли жамоа хўжалиги худуди бириктирилган. Улар тез-тез учрашиб, фикр алмашадилар.

**Саъдулла БОБОЕВ** олган сураат.

## МАСТЛИК КАСОФАТИ

Жиноятчилик ҳақидаги хабарнинг ёқимлиси йўқ. Лекин улар орасида дийдобиёс қотиб қолган тажрибали ходимларни ҳам ларзага соладигани учраб туради. Хўжайли шаҳар милициясида Тинчлик кўчасидан нотинч хабар олинди. Хонадон тўрида ўтириши лозим бўлган 86 ёшли М. уриб ўлдирилганди. Текшириш қотилликни унинг 49 ёшли бекорчи ўғли содир қилганини кўрсатди. Маст фарзанд жанжал чиқариб, табаррук ёшдаги онасининг бошига тўмтоқ жисм билан туширган.

Сирдарё ГРЭСи чилангари 28 ёшли Э. Аҳмад ичиб олиб, бўлмагур қилиққа қўл урди. Тунги соат тўртларда ўрталаридан гап-сўз қочғач, Ховос тумани мэтлубот жамиятлари уюшмаси дўкони сотувчиси 27 ёшли Ш. Усмоналиева ва «Ширин» давлат хўжалиги бригадир А. Эргашевага пичоқ урди. Оқибати фожиали тугади. Жабрланганларнинг бири касалхонада оламдан ўтди.

**Ғ. ЖУРАЕВ.**

Юнус таниши Левга анчадан буён ҳавас билан боқади. Ҳар сафар уни серсават «ГАЗ-24» рулида кўрганида, аъзойи баданини тушуниб бўлмайдиган титроқ қоплайди. Сўнгра маънони нгоҳи анча уринган пой-афзалига тушиб, ўзига ўзининг раҳми қўзиб кетади. Баъзан миясида бир нималар чарх уради. Бу бош дегани шундай жой эканки, унда ўйлар ниш уради, кўкаради, ҳосилга жиради, сўнгра мевасини беради. Юнус эса ўйлаган ўйининг меваси ҳақида кўпам бош қотирмади.

## МЕВАСИ

### АЧЧИҚ ЭКАН

Қулай пайтини пойлаб Лениннинг машинасини Жўра исмли шахс билан номаълум тарафга ҳайдади. Олиб қочди десек ярашмас, ўз оғайиниси-ку, ахир, Сўнг жабрдийдаги сим қоқиб «арзимас хизматлари учун» 25 минг сўм сўради.

Машина эгаси бунча пули йўқлигини айтди. Таниш-билишчилик боис Юнус 18 мингга «зўрға» кўнди.

Олди-берди муомаласи Жиззах шаҳрининг савдо маркази яқинидаги «Видео-бар»да амалга ошадиган бўлди.

Уша кунни шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тренери О. Юнус мисли кўрилмаган олижаноблик кўрсатди. Шахсан ўзи жабрдийданинг уйига бориб, уни машина қолдирилган болалар касалхонаси ёнига эргаштириб келди. «ГАЗ-24» устига гард юлмаганини намойиш этиб, пулни олаётганида ички ишлар ходимлари қўлига тушди.

**А. БОЗОРБОВ,**  
милиция майори.

## ҚИЗЛАР БЎГМАСИН...

Ҳайдовчи М. уч нафар безоргина кўринган қизларни ўз машинасига ўтказганида кўнглига ҳеч бир ёмон фикр келмаган эди. Ахир, неча бор хуш-хандон йўловчи қизлар даврасида манзил охирланганини сезмай қолган. Бироқ бу сафар бошқачаларига учраган экан. Ярим йўлга етганда, орқа ўриндиқдаги Татьяна Кузнецова асл ниятини инспекторлари Б. Шарипов ва Ш. Мирзааҳмедовлар кўз ўнгиларидаги манзарадан ёқа ушлашди.

Тажовузор қизлар ички ишлар бўлимига келтирилди. Суддан оғзи куйган ҳайдовчи эса энди қўл кўтарган ожизаларга ҳадиксираб боқади. Айтинг-айтинг, қизлар бўгмасинда...

**Рамзитдин МУҲИТДИНОВ.**



## ТИЛЛА ЗАНЖИР КИШАН БЎЛДИ

Қўқон шаҳридаги Маҳзуна кўчасида яшайдиган Иброҳим Узоқов 1987 йил 15 сентябрь кунни шаҳар халқ суди томонидан УЗССЖ ЖМнинг 125-моддаси биринчи қисмига асосан бир йилга шартли озодликдан маҳрум этилган эди. Лекин у кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган нақлнинг «нотўғри»лигини «исботлади». Эрталабдан бозор ёнидаги буфетга кириб, 100 грамм ароқ, кейин пиво ичди. Да-

диллашиб олгандан кейин гаройиб сайрга чиқди. Фурқат кўчаси бўйлаб Чорсу майдонига қараб кетаётган икки нафар қизга соядек эргашди. То «Роҳат» дўконига борди. Шу ерда ўзини шер билди, Феруза Курмашеванинг қўлидан тортиб, ўзи билан кетишга мажбур қилмоқчи бўлди. Кўнмагач, унинг бўйнидаги 300 сўмлик тилла занжирни юлқиб олди-ю, зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Жабрланувчи ва унинг дуго-

наси Дилфуза Йўлдошева бу ҳақда шаҳар ИИБга хабар қилишди.

— Мени шайтон йўлдан урди, — дейди терговчи қаршида ўтирган Иброҳим. — Маст бўлиб, ақлимни йўқотиб қўйибман. Уша қизлар кўзимга танишимга ўхшаб кўринишди. Уларга гап «отдим», лекин уятли сўзлар билан ҳақорат қилганини, Ферузанинг қўлидан тортиганимни, бўйнидаги тилла занжирни юлиб олганимни ҳаттоки эслолмайман. Илтимос, мени кечиринг...

**Р. ҚОСИМОВ.**

Фаргона йўлларида



Бўлажак ҳайдовчи билимини, малакасини жиддий синовдан ўтказиш ноҳуш йўл-улов ҳодисалари олдини олишнинг биринчи шартидир. Буни яхши англаган Фаргона вилояти ИИБ ДАНБ туманлараро имтиҳон-қайд этиш бўлинмаси ходимлари вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда.

**СУРАТДА:** милиция майори Абдуваҳоб Мирзақулов Бувайда тумани «Партия XX съезди» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи П-гуруҳ ногирони Тиллабой ота Уроловга машинаси учун аталган давлат рақами белгисини топширяпти.

Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

Айбни кимга қўйишаркан?

Ҳайдовчиларнинг озгина бекорчилиги йўллардаги кўп-кўп бахтсизликларга сабаб бўлмоқда. «ГАЗ-24» автомашинаси ҳайдовчиси М. Исоқов Фаргона шаҳар Комсомол кўчасида велосмотор миниб кетаётган Б. Каримовни уриб юборди. Натижада Б. Каримов тан жароҳати олди, унинг ҳамроҳи Х. Сулаймонов эса шифохонада жон берди.

Худди шундай ҳайдовчи А. Баратовнинг йўл қондаларига риоз қилмаганлиги туфайли велосмотор ҳайдовчиси В. Қурбонов шифохонага ётқизилди.

«КамАЗ» ҳайдовчиси А. Нурматов бировни босмади, бироқ техник носоз машинасида йўлга чиқди. Натижада бир оз юрмай ағдарилиб кетди. А. Нурматов касалхонага жўнатилди. Машинани

носозлигини била туриб уни ҳаракатга қўйган 5-хўжалик ҳисобидаги автокорхона раҳбарлари айбни кимга қўйишаркан экан...

А. Соҳибовнинг Л-35-50 ФЭ давлат рақамли «Жигули» автомашинаси ёлдираги остига 15 ёшли ўсмир тушди. Ўсмир ўша жойдаёқ ҳаётдан кўз юмди.

Вилоят, шаҳар, туман ДАН ходимлари шу ойнинг бир кунинда 1519 қондабузарни аниқладилар. Уларнинг 22 нафарни маст ҳолда, 64 нафарни эса ҳайдовчилик гувоҳномасиз, 19 нафарни давлат рақамсиз автомашина босқарган.

Ҳозирги кунда ДАН ходимлари хўшёрликни янада ошириб, ўз постларида серган турибдилар.

А. АҲМЕДОВ.

Эгри иш—келтирар ташвиш

«ОЁҚ»ДАН УШЛАНДИ

Ҳозирги иқтисодий таъчиллик вақтида фуқаролардан милиция шаънига таънали гаплар ёнгилмоқда. Айниқса, БХСС ходимлари ишига эътирозлар тез-тез эшитилиб туради. Лекин уларни ишлама-япти дейиш нотўғри. Маса-лан Жиззах вилояти ИИБ БХСС ходимлари ҳар қачон-ғидай ғайрат-шўжоат билан меҳнат қилишмоқда.

Куни кеча Жиззах шаҳри-даги 10-дўкон мудир Р. Амировнинг уйида ўтказилган тинтув натижасида 7

минг сўмлик оёқ кийимлари топилди. Агарда дўкон мудир мўлжаллаган «тижорат операцияси» амалга ошганида эди, у 8 минг сўм соф фойда олган бўларди. Дўкондаги қолдиқлар ҳисоб-китоб қилинганида, 14 минг сўмлик камомад аниқланди.

Айни кунда ушбу савдо масканида тафтиш ўтказилмоқда.

С. ДАВЛАТОВ, милиция катта лейтенанти.



СУРАТЛАРДА: дўкон мудирининг уйига яширилган пойафзаллар.

Суратлар муаллифи Олег ГАМЗЕНКО.

АҚШ адлия вазирлиги эълон қилган охириги статистик маълумотларга кўра, содир қилган жиноятлари учун 667 минг америкалик жавобгарликка тортилган. Барча жинорий ишларнинг 96 фоизи штатларнинг судларида қўриб чиқилган.

1988 йилда АҚШнинг федерал судлари қўриб чиқилган жинорий ишлар бўйича 31 мингта ҳукм чиқаришган.

Штатларнинг судлари томонидан ҳукмга маҳкум этилган америкаликлардан 9340 киши қотилик, 15552 таси зўрлаб номусга текканлиги, 37432 таси талончилик, 37566 таси жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳол билан босқинчилик, 111950 таси наркотик моддалар билан савдо қилганликлари ва 147258 таси бошқа хил жиноятларни содир этганликларини учун жавобгарликка тортилганлар.

Рақамлар сўзлайди:

АҚШДА ЖИНОЯТЧИЛИК

44 фойз судланганлар жазони штатларнинг қамоқхоналарида ўташиб, 25 фоизи 1 йилгача «ўтиради». 30 фойз судланганлар қафолат остида шартли озод қилинган, 1 фойзига нисбатан эса озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазолар тайинланган.

2 фойз судланувчи ўлим жазосига маҳкум этилган.

Судланувчиларнинг жиноят содир қилишдаги айбдорлиги билан боғлиқ қарор 4 фойз ҳолларда судьялар томонидан, 5 фойз ҳолларда маслаҳатчи-қадамлар томонидан қабул қилинган, 91 фойз ҳолларда эса судланувчилар айбларига ўзлари иқроор бўлишган.

Жазога ҳукм қилинган америкалик жиноятчиларнинг умумий сонидан 57 фоизини оқ танлилар, 41 фоизини қора танлилар (ҳозирги пайтда негрлар АҚШ аҳолисининг 13 фоизини ташкил қилади), 2 фоизини эса бошқа ирқларнинг вакиллари ташкил қилган.

Жиноятчиларнинг 87 фоизи эркаклар «ҳиссаси»га тўғри келиб, уларнинг ўртача ёши 29 да.

Гумондор қамоққа олиниб, унга нисбатан ҳукм чиқарилгунга қадар ўртача 7 ой вақт ўтади.

Суд ҳукмларида белгиланган ўртача қамоқ жазоси эса 6 йил 4 ой. Амалда эса жиноятчилар бу жазонинг учдан бир қисмини ўтаб бўлишгач, «яхши ҳушларни» туфайли қамоқдан муддатидан илгари шартли озод қилинадилар.

Б. ДАВЛАТОВ, милиция капитани.

БЕКОРЧИЛИК ПАНД БЕРДИ

Бекорчидан худо безор, деб қадимгилар бежиз айтишмаган.

Шундай бекорчилардан бири Лидия Иванова ўзига яхшигина машғулот ўйлаб топди. У Чирчиқ шаҳридаги дўконларнинг биридан 120 сўмга Югославияда ишланган эркаклар жемперини, 150 сўмга Ҳиндистонда чиқарилган аёллар жемперини харид қилгач, яқшанбани зориқиб кутди. Ўша кун чойқов бозорига олиб чиққан молларига дарвор харидор ҳам топилга қолди. Бирини 250, иккинчисини 180 сўмга пуллаган Л. Иванованинг савдосини БХСС ходимларининг араслашуви бузди.

Чирчиқ шаҳар халқ суди унинг ҳатти-ҳаракатларини тўғри баҳолаб, 3000 сўм жарима тўлашга ҳукм чиқарди.

М. ҲАКИМОВ.

ЎЗГАЛАРНИНГ МОЛИ ҚЎЛГА ЮҚ БЎЛМАС

Бировнинг молини олма омонат... (Ўзбек халқ қўшиғи).

Улар учовлон. Бири 34, иккинчиси 26, учинчиси 23 ёшда. Яхшиси айб-лаш фикрида келтирилган маълумотлар билан таништириб қўя қолай.

Александр Абдухалилов, 1957 йилда Сирдарё вилоятида туғилган, ўзбек, партиясиз, бўйдоқ, маълумоти 9 синф, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайди, Оққўрғон шаҳрида яшайди.

Аҳмад Эргашев, 1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, партиясиз, ўрта маълумотли, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар Ҳамза туманида истиқомат қилади, шу тумандаги Ғафур Ғулом номи маданият уйида қоровул бўлиб ишлайди.

Ҳамзаали Ортиқов, 1965 йили Фаргона вилоятида туғилган, ўзбек, оилали, партиясиз, ўрта маълумотли, муқаддам 1985 йили Урта Чирчиқ тумани халқ суди томонидан ЎзССЖ ЖМнинг 95-моддаси 2-қисми билан судланган, ҳеч қаерда ишламайди, Урта Чирчиқ туманида яшайди.

Фалаkning гардиши билан бу уч йигит Оққўрғонда танишиб қолишди. Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, деганлари нотўғри экан, улар бир кўришдаёқ бир-бирлари юрагининг энг кўринмас қатларида пинҳон ётган очкўзликка мойиллик ҳисларини билиб олишди. Ҳар бирининг қачонлардан бери ўйлаб, амалга ошира олмаётган қабих режалари пойдеворига шу кун тош қўйилди. Вақтни бой бермай уни бажаришга киришдилар.

Очкўзлик уларни Ҳамза кўчасига етаклаб келди. М. Кузнецовнинг уйи гараз мақсадлар нишонини бўлди. Қийналмай девор ошиб ҳовлига киришса, калит «марҳамат, хуш келибсизлар» дегандек эшикда осяғлиқ турибди.

Уч оғайни бу хонадондан 8400 сўм нақд пул ва 31 турдаги 955 сўму 40

тийинлик буюмларни гўё қимор ўйнаб ютган кишилардек сурбетларча олиб чиқиб кетишди.

Қўлларидоги нақд пуллар, буюмлар оч кўзларига кам кўринди. Атрофдаги уйларга олазарак боқишар экан, Александр тўхтади.

— Мана буниси анча ҳашаматли кўрилади. Таваккал, қани бир қиё боқайлик. Ичи ҳам шундай ялтироқ бўлса, омад бизники.

Чиндан ҳам Р. Лимнинг уйи ўғирликбоп экан. Қимматбаҳо буюмлар ётган хонага кириш трамвайда паттасиз юришдан ҳам осонроқ кўчди. Шошилиб-пишилиб тортмалардан турли аёллар, эркаклар кийимини олишар экан, бир-бирларига намойишкорона кўрсатиб маъқуллашади. Демак, бу мол бозорда ўтади. Роза Лимнинг оёқ кийимларигагина йиғитириган оғайнилар уй эгасининг иккита янги че-моданига 8,644 сўмлик 31 хил нарсаларни жойлаштириб, худди бошқа ерга кўчаётган кишилардек хонадонни бемалол тарк этишди.

Кўчага чиқисгач, қайси уйдан кўпроқ ўмарилгани ҳақида гап кетди. Хом чўт қилишди. Буюмларнинг янги баҳоси билан эски нархнини таққослаб, бошлари осмонга етди.

— Бугунча бўлар. Олдин буларни бир ёқли қилайлик. Беш кундан сўнг Алимкентда учрашамиз.

Ҳаш-паш дегунча беш кун ҳам ўтиб кетди.

Уч қўли эгрлар бу гал Алимкент кўрғонида яшовчи фуқаро М. Лапчиканин уйини мўлжалга олишди. Бироқ унинг камбағаллиги хўра ўғирларнинг шунақанги гагини келтирдикки, ҳатто уй соҳибаси ҳалол меҳнати эвазига орттирган «Хурмат белгиси», «Социалистик мусобақа ғолиби» нишонларини ҳам чиқитга чиқаришмади.

Омадсизликдан қутурганлар шу кўчада яшовчи фуқаро В. Терпагосяннинг уйига тушдилар. Аммо унинг

уйида қўлга юқ бўладиган бирор арзигулик буюмнинг ўзи йўқ эди. Алам қилган қалампис чайнар, деганларидек, унинг фақирлик чегарасидан ҳам ўтиб кетганлигига аччиқ қилишибми ёки Алининг қасдини Валидан олмақчи бўлишдими, қўшниси Ф. Сурмоновнинг эшикларини бузиб, ичкари киришди. У ердан жами 740 сўмлик буюмларни кўтариб жўнадилар.

— Шундай ҳам камбағаллик бўладими? Ҳа, бу қишлоқлар яшаш нималигини қаёқдан ҳам билсин, — дея кула-кула йўлга тушдилар.

Уч кун ўтиб, улар Ҳ. Эрматовнинг уйи олдида пайдо бўлишди. Унинг хонадонидан 10,949 сўмлик пул ва буюмларни ўғирлашар экан, ўлжадан қониқиш ҳосил қилдилар. Навбатдаги режасини пишитиш давомига ўғирлик молларни тақсимлашга киришишди.

Оққўрғон тумани ИИБга ўғирликлар ҳақида тушган кетма-кет хабарлар қидирув гуруҳи тузишни тақоза этди. ИИБ катта терговчиси милиция катта лейтенанти Ғ. Зокиров, терговчи милиция капитани З. Йўлдошев, Алимкент милиция бўлинмаси бошлиғи С. Тошматов, ЖҚБ вакиллари милиция катта лейтенанти Б. Иномбеков, милиция лейтенанти А. Бобоёр, милиция старшинаси Н. Ороловлардан иборат оператив-тергов гуруҳига соҳилик бўлими бошлиғи милиция майори И. Абдуллаев раҳбарлик қилди.

Оператив гуруҳ аъзолари Оққўрғон туманида «кенг фаолият» кўрсатаётган ўғирларнинг қилмишларига чек қўйишди. Уч оғайни ўғирлар фуқароларга етказган зарарларини мажбурий меҳнат орқали қоплашга маҳкумлар.

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

# «Бегона милиционер»

13 июнь куни ЎзССЖ Фанлар Академиясининг ҳовлисида бўлиб ўтган машааи мени таажжубга солди. Ушанда жуда ноқулай аҳволда қолдим. Ҳозир ҳам хижолат-даман. Нахотки милиция ходимларининг хизмати ҳалол-у, ўзлари эса кераксиз бўлса?

Воқеа бундай бўлганди. Тушлик қилиш учун ихтиёримда 25 дақиқа вақт бор эди. Шу боис ҳамкасбим менга яқин орадаги, яъни ЎзССЖ Фанлар Академияси ходимларига хизмат кўрсатадиган ошхонага киришимни маслаҳат берди.

Буни қарангки, бу даргоҳ ҳам милиция ходимлари томонидан қўриқланар экан. Мен навбатчи милиционерга гувоҳномамни кўрсатиб, ошхонага киришимни айтдим.

— Марҳамат, ёқимли иштаҳа, — деди у. Эндигина оstonадан хатлаб ўтгандим, қаршимда ички киши суҳбатлашиб турганини кўрдим. Уларга салом бердимда, йўлимда давом этавердим. Бироқ мени тўхтади.

— Хўш, қаёққа бораясиз? — сўради бири.

— Ошхонага, — дедим улар олдига қайтиб.

— Қаерда ишлайсиз?

Мен унга иш жойимни айтдим.

— Бегона мелиса эканлигингизни кўриб тўхтатдим.

— Ошхонага кириш мумкин эмасми?

— Ҳа, мумкин эмас, — деди ўзини шу катта даргоҳнинг бошқарувчиси Илҳом Йўлдошев деб таништирган киши.

— Қани, айтингчи, — сўзини давом эттирди бошқарувчи. — Менга ишхонангиз ҳовлисида айланиб юришга рухсат берармидингиз?

— Йўқ, қўймас эдим. Чунки у жой хорижий давлат...

— Ана, кўрдингизми, — деди у жонланиб. — Ундай бўлса, ўзингиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? Қани, юрингчи, сизни бу ерга киритган милиционер билан гаплашиб қўяй.

— Хўш, нима учун бу шарҳнама ичкарига киритдингиз? — пуписа аралаш навбатчи милиционердан сўради.

Еш милиционер аввалига нима дейишни билмай қолди. Сўнгра ўзини тутиб олди-да: «Овқатланиб чиқишига рухсат берувдим», — деди.


Шундан сўнг бу киши менга боварершимни айтди.

— Танимаганим учун сизни тўхтатдим-да, — деб қўшимча қилди.

Мен эса узримни айтиб, иш жойим (хорижий ваколатхона) томон равона бўлдим. Тушлик вақтини бошқарувчининг сўроғи ямлаб кетганди.

Шу ўринда мени бир савол қийнайди. Милиция ходимлари қай ҳолатда бегонаю қачон таниш кўринишда жонланади? Эҳтимол, бу нуфузли олим киши фақат зарурат туғилган пайтдагина милицияни тан олар? Тўғри, кишилар хавф-хатар пайтида интизорлик билан милицияни кутадилар. У келгач, ўзларини хотирикам ҳис қиладилар. Шунинг учун ҳам озо-йишталик посбонлари туну кун халқ хизматидадир. Улар жамоат тартибини сақлашдан тортиб то қорхона ва ташкилотлар биносигача (шу жумладан ЎзССЖ Фанлар Академиясини ҳам) қўриқлайдилар. Ҳамонки, уларга бу вазифа ишониб топширилган экан, демак милиция ходимларидан шубҳаланишга ҳеч қандай асос йўқ. Уларни меъсимаслик эса инсофдан эмас.

Х. МУЙДИНОВ,  
милиция старшинаси.



«Қоллон», ростдан ҳам топқирмисан-а? Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

савол... акс-садо... танқид... фикр - мулоҳаза... хабар...

# Хат-жилоларни оғганда

янгилик... миннатдорчилик... шикоят... таклиф...

№ 3  
700029, Тошкент  
Г. Лопатин кўчаси  
1-уй. ЎзССЖ ИИБ  
«Постда»

## БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР Чора кўрилди

Шу йил 25 май куни рўзномамизда «Қачонгача давом этади?» сарлавҳали мақолани эълон қилган ва унда Фрунзе туманидаги 17-дўконда савдо қондалари бузилаётганини танқид қилган эдик.

Шу туман озиқ-овқат савдо ташкилоти раҳбари Г. Мансуровнинг таҳририятимизга маълум қилишича, дўкон фаолияти мутасадди кишилар томонидан ўрганиб чиқилган. Танқидий чиқишимизда кўрсатилган камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Чой, гўшт ва бошқа тансиқ маҳсулотларни сотишда жиддий хатоликларга йўл қўйил-

ган. Шунинг учун дўкон мудири Илҳом Ғуломовга ташкилотнинг 12 июнь кунги 79-буйруғига асосан қаттиқ хайфсан эълон қилинган, айна пайтда камчиликларни уч кун ичида бартараф қилиш юклатилган.

Дўкон хизматчилари иштирокида ўтказилган мажлисда эса харидорларни ранжитмаслик учун уларга белги-ланган кундагина эмас, ҳафта давомида хизмат кўрсатиш зарурлиги таъкидланди.

Бу ишлар ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фаоллари ва озиқ-овқат савдоси ташкилоти томонидан назорат ўрнатилди.

### АНА, ХОЛОС!

«Постда» рўзномаси қайта тикланганига ҳам ярим йил бўлди. Бир қўшим рўзноманинг ҳар бир сонини мендан олиб ўқир ва кейин қайтариб беради. Ҳозир сўрамай қўйди. Чунки ўзи ҳам обуна бўлган экан.

Афсуски... Жамоатчи мухбир сифатида кўпгина вилоят, шаҳар ва туман ички ишлар идораларида бўламан. У ердаги баъзи ўртоқларининг янги рўзномага бўлган муносабатларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайман.

Яқинда бир туман ИИБ бошлиғи ўринбосарига уч-

### Қойил қолдим

рашдим. У эса бошлиқнинг олдига олиб кирди.

— Уртоқ бошлиқ, бу киши «Постда» деворий газетасидан келибди, — дея мени таништирди.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Бошлиқ эса унинг ҳатосини ўз ўрнида «тўғрилаб» қўйди.

— Деворий эмас, вилоят ИИБ газетаси, тушундингизми?

Ана шунақа гаплар. Улар туман ИИБ раҳбарлари бўла туриб, ўз рўзномаларидан мутлақо беҳабар. Хуллас, қойил қолмай илож йўқ.

Саъдулла БОБОЕВ,  
Хоразм вилояти.



НИГОХ,  
Ольга ЖУРАВЛЕВА олган суратли лавҳа.

## ҚўЛГА ҚАЛАМ ОЛДИМ

Рўзномангизда ёритилаётган йўл-улов ҳодисалари кўлимга қалам олишга мажбур этди.

Бу кўнгилсизликларнинг сабаби баъзан ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қондаларини кўпол равишда бузилаётганида бўлса, бошқа тарафдан эса кўпчилик ҳолларда пиёдаларнинг ҳам интизомсизлигида.

Ҳайдовчилик курсида ўқиб юрганымда, йўловчилар энг оддий йўл ҳаракати қондаларини ҳам билмасликларига амин бўлдим. Масалан, светофор ўрнатилмаган йўлларнинг, чорраҳаларнинг қаери-

дан кесиб ўтиш, уловни қай тарафда кутиш, тўхтаиш, пиёдалар учун йўлақлар бўлмаганда қай томондан юриш лозимлигини ҳар ким калласига урилган фикр асосида амалга оширади. Қонда эса етим боладек сарғайиб қолаверади.

«Йўл ҳаракати қондалари» мактабларда ҳам юзаки ўргатилади, бошқа бирон жойда эса махсус ўқитилмайди. Шунинг учун мактабларда унга алоҳида эътибор берилса, ёмон бўлмасди. Эҳтимол, бу кўплаб тасодифларнинг олдини олардимиз...

М. ОБИДОВ.

## ДИЛФУЗА НЕГА СЕВГИМНИ РАД ЭТДИ?

«Хурматли «Постда» таҳририяти!

Мен 1989 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келаман. Ўзим асли самарқандликман. Махсус милиция ўрта мактабида ўқиб юрган кезларимда тошкентлик Дилфуза исмли қизни ёқтириб қолдим. Уни икки йилга яқин гаплашиб билгач, уйланмоқчи эканлигимни билдирдим. Аммо у батамом буни рад этди. Сабабини сўрасам: биринчидан, сиз қишлоқдансиз, иккинчидан, милиционерларни ёмон кўраман, деди. Шундан бери ўзимни қўйишга жой тополмайман. Нима қишлоқда туғилганлар одам эмасми?!

Ушбу мактубни ёзишдан мақсадим — Дилфуза сингари шаҳарликлар «қишлоқлик»нинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб юришмасин. Ахир, икки йил гаплашиб кутган йигитнинг соф севгиси, тиниқ ҳиссиётлари устидан кулиш эмасми бу?!

С. РАВШАН.  
ТАҲРИРИЯТДАН: Сиз нима дейсиз, азиз рўзномасеварлар?

## ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ!

Чуст шаҳар ва туман ички ишлар бўлими қошидаги муассасадан ташқари соқчилик бўлимасин ин-

пектори милиция лейтенанти Аҳмадjon Омонов бир ўтиришда оз эмас, кўп эмас, бир донасининг нархи

## Ёқимли иштаҳа, ўртоқ лейтенанти

76 тийнилик тандир сомса-нинг 86 тасини бемалол ейди. Мана буни «Гипнесс-

нинг рекордлар китоби»га ёзса арзийди.

Н. МАҲКАМОВ,  
милиция капитани.

Мухаррир Зокир ОТАЕВ. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1. Телефонлар: Мухаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички). «ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегия ИВД ЎзССР. Рўзнома офсет усулида, А-3 қоғозда босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Босмага бериш вақти 18.00. Босмага берилади — 17.30. Буюртма — 5589. Индекс: 64615.